



Received: July 3, 2021
Accepted: August 29, 2021
Available online: September 25, 2021

Нурия Жуманиёзова

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
таянч докторанти
Тошкент, Ўзбекистон

Nuriya Jumaniozova

PhD student, Uzbekistan State World
Languages University
Tashkent, Uzbekistan
E-mail: jumaniozovanuriya@gmail.com

ЮРИДИК ДИСКУРСНИНГ ТИЛШУНОСЛИКДАГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Дискурс тилшуносликда кўплаб тадқиқотчилар томонидан таърифланган бўлса-да, ҳанузгача абстракт тушунча бўлиб қолмоқда. Сабаби – дискурс ва матн, дискурс ва тил ҳамда дискурс ва гап оппозициялари ҳақида турли хил қарашлар мавжуд ва ушбу муаммонинг тилшуносликда ўрганилиши алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, дискурс тилшунослик билан бирга ижтимоий назариянинг асосий ўрганиш объекти сифатида социология, антропология, фалсафа ва бошқа соҳаларда ҳам қамраб олинади. Бу эса мазкур масаланинг фанлараро тадқиқ этилишини тақозо қилади. Чунончи, бугунги кунда дискурс юриспруденция ва тилшуносликни боғловчи юрислингвистика доирасида ўрганилиб, юридик дискурснинг лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларини очиқ бериш ҳам айнан шу соҳанинг асосий мақсад ва вазифалари қаторига киради. Йўналиши, нутқий чекловлар, тузилиши, мақсадлари ва бошқа хусусиятларига кўра сўзлашув дискурсидан фаркланувчи институционал дискурс сиёсий, маъмурий, диний, реклама ва бошқа кичик турларга бўлинади. Институционал дискурс турларидан бири бўлган юридик дискурс конун билан белгиланган институционал мулоқот сифатида намоён бўлади ва ўз иштирокчилари, яъни судья, –судланувчи, –адвокат, –прокурор, –гувоҳ ва бошқаларга эга. Мазкур мақолада юридик дискурс тадқиқот объекти сифатида белгиланган. Муаллиф ушбу дискурснинг тараққиёти ҳақида сўз юритишдан

STAGES OF LEGAL DISCOURSE DEVELOPMENT IN LINGUISTICS

ANNOTATION

Although the term ‘discourse’ has been defined by many researchers in linguistics, it still remains an abstract concept. This is because there are different views on discourse and text, discourse and language, and discourse and speech oppositions, and the study of this problem in linguistics is of a particular importance. Besides linguistics, ‘discourse’ is also studied in sociology, anthropology, philosophy, and other fields as the primary research object of social theories. And this requires an interdisciplinary study of this issue. Today discourse is considered in the framework of Forensic linguistics, which connects jurisprudence and linguistics, and the disclosure of the linguistic and extralinguistic features of legal discourse is one of the main goals and objectives of this field. Institutional discourse, which differs from colloquial discourse in terms of direction, speech constraints, structure, purpose, and other characteristics, it is divided into political, administrative, religious, advertising, and other subtypes. Legal discourse, which is a type of institutional discourse, manifests itself as a statutory institutional dialogue and involves its participants, namely the judge-defendant-lawyer-prosecutor-witness, and so on. This article defines legal discourse as the object of research, and before the author writes about the development of this discourse, she describes the use of discourse as a linguistic term, its typology, legal discourse, and its peculiarities. Moreover, the research article examines the English and Uzbek legal discourse within specific periods and provides the legal

олдин дискурсининг лингвистик термин сифатида қўлланилиши, типологияси ҳамда юридик дискурс ва унинг ўзига хосликлари хусусида фикр юритади. Шунингдек, ушбу тадқиқот-мақолада инглиз ва ўзбек юридик дискурси махсус даврларга ажратилиб ўрганилган, ҳар бир даврда фаол қўлланилган юридик тил ва терминлар келтириб ўтилган.

Тадқиқотнинг мақсади – инглиз ва ўзбек юридик дискурсининг даврий шаклланиш жараёнини қиёсий ўрганиш ҳамда асрлар давомида юридик тил ва терминларда юзага келган ўзгариш ва фарқларни тақдим этиш, уларни мисоллар ёрдамида асослаб беришдан иборат. Шу боис тилшунос ва ҳуқуқшунос олимлар фикрларига ва тарихий манбаларга ҳам мурожаат қилинган.

Калит сўзлар: дискурс, дискурс турлари, институционал дискурс, юридик дискурс, тилшунослик, қонун, юридик тил, юридик термин, юрислингвистика, юриспруденция.

КИРИШ

Тил жамият тарихи, бугуни ва келажаги ҳақида сўзловчи асосий восита ҳамда инсоният ва жамият тараққиётини белгилаб берадиган омиллардан биридир. Тил орқали биз бир-бирини англаш, онгли фикрлаш, воқеликни, тирик дунёни тўлиқ тушуниш имкониятига эга бўламиз [Сафаров Ш., 2006; 3]. Бугунги кунда чет тиллари билан бирга давлат тилини ўрганиш, давлат тилида иш юритиш ва уни янада такоммиллаштириш долзарб масалага айланди. Республикамиз Президенти фармони билан 2020-2030-йиллари ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такоммиллаштириш концепцияси ва давлат дастури лойиҳаларининг киритилганлиги ҳамда мамлакатимизнинг барча ижтимоий соҳаларида, жумладан саноат, банк-молия тизими, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва шулар қатори ҳуқуқшунослик соҳасида ҳам давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришишдек масаланинг қўйилганлиги бунинг ёрқин исботидир [<https://lex.uz/docs/-5058351>].

Тилларни ўрганиш ва таҳлил қилиш тилшунослик соҳасининг устувор вазифаси саналади, чунки тил жамиятнинг барча жабҳалари билан чамбарчас боғлиқ. Шу жумладан, юридик соҳада ҳам фаолият олиб бориш, давлат хизматларини амалга ошириш ва қонун ижодкорлигида тилнинг имкониятларидан кенг фойдаланишга тўғри келади. Инсон пайдо бўлиб, тил орқали ўз фикрини ифодалашга эҳтиёж сезганидек, жамият ҳам тартиб-интизом, тўғрилиқ ва ҳалоллик қонун-қоидалари устувор бўлган тизимга таянишга ҳаракат қилади. Ҳуқуқшунос олим П.Верховский тил ва ҳуқуқ тушунчаларининг жамиятда тутган ўрнига кўра қўплаб ўхшашликларга эга эканлиги ҳамда тил

language and terms that are actively employed in each period.

The study aims to compare the periodic formation of the English and Uzbek legal discourse, as well as to present the changes and differences in the legal language and terminology over the centuries and to illustrate them with examples. To this end, the opinions of various linguists and lawyers, and many historical sources have been provided and scientifically substantiated.

Key words: discourse, types of discourse, institutional discourse, legal discourse, linguistics, law, legal language, legal term, forensic linguistics, jurisprudence.

фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги асосий алоқа воситаси эканлигини эътироф этган [Верховский П., 1931; 58]. Ш.Кўчимов эса тилнинг ҳуқуқ, яъни юридик соҳа ривожигаги ўрнини қуйидагича баҳолайди: “Тил ҳуқуқшунослар ўртасида ўзаро алоқа алмашиш, юридик билимларни авлоддан-авлодга етказиш, ҳуқуқий онгни ривожлантириш ва ҳуқуқий нормаларни фуқароларга етказишдек муҳим аҳамиятга эга” [Кўчимов Ш., 2013; 9]. Берилган фикрларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, “тил ва қонун”, “юридик тил”, “қонун тили” ва “юридик нутқ” каби тушунчалар бежиз пайдо бўлмаган. Тил ва ҳуқуқнинг ўзаро муносабати ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари узоқ даврлардан бери тилшунос ва ҳуқуқшунос олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Мазкур икки соҳа ўртасидаги алоқа XIX асрнинг бошларида Германияда янги ижтимоий мавзуларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Масалан, XX асрнинг 70-йилларига келиб фуқароларга тушунарли бўлган идоравий муассасалар тилини яратишга бўлган талаб ҳуқуқшунослик ва тилшунослик ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлади; 80-90-йилларда эса тилшунослар гендер тенглигини таъминловчи янги қонунлар таҳририда иштирок этдилар [Барабаш О., 2014; 15]. Натижада, бу юрислингвистика фанининг тилшуносликда алоҳида янги йўналиш сифатида ажралиб чиқиши, қонун ва тил ўртасидаги муносабатларнинг янада чуқурроқ ўрганилишига олиб келди. Сабаби – юридик тил ва нутқнинг ўзига хос хусусиятлари бўлган тўғрилиқ, софлик, жўялилик, ўринлилик, таъсирчанлик, аниқлик, мантикийлик, ифодалилиқ ва мақсадга мувофиқликни таъминлашда тилшунослик фанининг ўрни бекиёсдир. Юридик нутқнинг (оғзаки ёки ёзма нутқ) тўғрилиги оҳанг, урғу ва грамматик меъёрларга қатъий риоя этишни тақозо этса, аниқликни таъминлашда юридик тилнинг синонимик имкониятларини билиш ва синонимик қаторлардан зарурини ажратиб олиш, кўп маъноли, омоним, пароним сўзларга жиддий эътибор бериш, юридик терминларни яхши билиш ва бошқалар талаб этилади. Бундан ташқари, ушбу нутқнинг ранг-баранглиги дейилганда, аввало юридик тилнинг лексик имкониятлари (маънодош, уядош ва қарама-қарши маъноли сўзлар, тасвирий ифода ва иборалар, ўзбек халқининг қочирик сўзлари ва фразеологик бирикмалар, ўхшатиш, сифатлаш, истиора, муболаға, риторик сўроқ гаплар)дан фойдаланиш назарда тутилади. Шунга кўра, юридик тилнинг кенг имкониятларини очиб беришда тўғридан-тўғри тилшунослик фанига мурожаат этишимизга тўғри келади. Бу эса ўз навбатида қонун ва тилнинг ўзаро боғлиқликда ўрганилишига сабаб бўлади [Мирҳамидов М., Норпўлатов Н., 2005; 148-154].

АСОСИЙ ҚИСМ

Ушбу мақола инглиз ва ўзбек юридик дискурсининг қиёсий ўрганилишига қаратилгани боис, дастлаб “дискурс” ҳамда “юридик дискурс” тушунчалари ҳақида фикр юритишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Мулоқот жараёнида юзага келадиган лисоний бирликлар билан бирга нолисоний (прагматик, руҳий, ижтимоий-маданий) омилларни ўрганишга бўлган қизиқиш тилшуносликда “дискурс” атамасининг кенгроқ тадқиқ

этилишига олиб келди ва дискурс лингвистика билан бир қаторда социология, културология, педагогика, прагматлингвистика, психоллингвистика ва юриспруденция соҳаларининг ҳам ўрганиш объектига айланди. Дискурс лексемаси даставвал латин тилида “*discursus*” (*ҳаракат, олдинга ва орқага югурмоқ*) тарзида қўлланилган бўлиб, кейинчалик француз тилида *суҳбат, мулоқот, нутқ* маъноларида ишлатила бошланган. Изланишлар шуни кўрсатадики, дискурс лингвистик термин сифатида қўлланилунига қадар асосан мантикий ва эпистемологик (фалсафанинг “билим” ҳақидаги соҳаси) жиҳатдан шарҳланган ва уни биринчи бўлиб изоҳлаган тилшунос Ф.Соссюрнинг издоши француз лингвисти Эмиле Бенвенисте ҳисобланади. Олим Ф.Соссюр томонидан киритилган тилнинг система (*langue*) сифатида ва тил нутқ сифатидаги (*parole*) оппозицияларини маъқулламайди ва нутқ (*parole*) сўзининг ўрнига дискурс атамасини киритиб, тил ва дискурс оппозицияларини қўллашни таклиф этади. У, шунингдек, тил ва дискурс бирликларини фарқлаган илк тилшунослардан бири саналади. Унинг фикрича, “дискурс гапнинг юқори турадиган сатҳи бўлиб, ҳар доим воқеа-ҳодиса сифатида намоён бўладиган ва сўзловчи нутқи орқали фаоллашадиган дискрет (алоҳида) ҳаракатдир” [Гудрич П., 1987; 135]. Ва, ниҳоят, дискурс лингвистик термин сифатида фанга илк маротаба 1952 йили америкалик олим З.Ҳарриснинг “*Discourse Analysis*” мақоласида келтирилган. Тилшунос дискурсни “бир вазиятда бир ёки бир нечта шахслар томонидан вужудга келтириладиган оғзаки ёки ёзма гаплар йиғиндиси” дея таърифлаган [Ҳаррис З., 1952; 3]. Бундан ташқари, олимнинг фикрича “дискурс тилнинг юзага келишини тақозо этувчи бевосита кузатиладиган воқеа-ҳодисалар” дир [Ҳаррис З., 1982; 231].

Дискурс социоллингвистик нуқтаи назардан *social context* (*ижтимоий муҳит*) билан боғлиқ бўлиб, тилшунос олим Тён Адрианус ван Дейк уни шундай изоҳлайди: “Дискурс турли хил ижтимоий субъектларни (масалан, сўзловчи ва тингловчи ёки ёзувчи ва ўқувчини) ўз ичига оладиган мураккаб коммуникатив жараёндир, яъни дискурс аниқ бир вақт, макон ва вазият орқали юзага келади. У одатда, интерактив муносабатларга асосланган бўлиб, вербал ёки новербал нутқ (имо-ишоралар, юздаги ифодалар) орқали ифодаланади” [Тён Адрианус ван Дейк, 2019; 282]. Қолаверса, олимнинг фикрига асосланиб, дискурсни кенг маънода дўстлар билан қуриладиган кундалик суҳбат, шифокор ва бемор; ўқувчи ва ўқитувчи; прокурор ва судланувчи ўртасидаги диалоглар дея тушунишимиз ҳам мумкин. Аммо, бошқа тилшунослардан фарқи ўлароқ М.Стаббс дискурсининг ижтимоий контекст доирасида асосий учта хусусиятини ажратиб кўрсатади: 1) расмий маъно жиҳатидан – гапнинг устки сатҳидаги тил бирлиги; 2) информатив маъно жиҳатидан – дискурс ижтимоий контекстда ишлатиладиган тил билан боғлиқ; 3) шакл жиҳатдан – сўзловчилар ўртасидаги интерактив нутқ, яъни диалог [Стаббс М., 1983; 14].

Олимларнинг кўпйиллик изланишларига асосланиб, дискурс таҳлилини ўрганган бир нечта мактаб мавжуд эканлиги аниқланган ва улар бир-биридан ўзига хос илмий ёндашувлари ва анъаналари билан фарқ қилади. Ушбу

ёндашувлар орасида Англия-Америка, Француз, Германия-Австрия ва Рус дискурс таҳлили мактаблари алоҳида ўрин тутади [Коновалова М., 2008; 14-15]:

1. *Англия-Америка мактаби* (XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб) дискурсни мантикий-прагматик йўналишда, яъни кўпроқ матн ва унинг ичидаги гаплар ўртасидаги муносабатни таҳлил қилиш ва идрок этишга асосланган. Ушбу мактаб намояндалари Э.Сепир, Тён Адрианус ван Дейк, З.Харрис, Б.Уорф, Р.Хейсан, Ж.Мартин, Ж.Синклер, М.Григори ва бошқалар бўлиб, уларнинг талқинича, дискурс ахборот жўнатувчи ва шу ахборотни қабул қилувчи шахс ўртасидаги интерактив мулоқот, изчил нутқдир. Демак, улар биринчи навбатда оғзаки нутққа эътибор қаратганлар, бунда дискурс диалогга тенглаштирилиб, боғланган нутқ (З.Харрисга кўра “*contected speech*”) деб тушуниланган.

2. *Француз мактаби* (XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб) дискурс анализининг социологик-семиотик йўналишига асос солган ва Р.Барт, М.Фуко, Р.Робен, П.Серио, М.Пеше, Г.Парре ва Ж.Деррида ва бошқаларни унинг намояндалари сифатида келтириш мумкин. Уларнинг қарашларига кўра, дискурс таҳлили бу институционал доирада ишлаб чиқарилган, тарихий, ижтимоий, интеллектуал йўналишга эга бўлган матнларни таҳлил қилишдир.

3. *Германия-Австрия мактаби* (XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб) эса француз олими М.Фуконинг дискурс концепцияси асосида ривожланган ва ушбу мактаб вакиллари (У.Маас, З.Эгер, Ж.Линк ва бошқ.) дискурсга битта мавзу атрофида бирлаштирилган матнлар тўплами, яъни ижтимоий-маданий ва сиёсий-идеологик амалиётнинг лингвистик акси деб қарашган.

4. *Рус мактабида* (XX асрнинг 70-90-йилларидан бошлаб) (В.И. Тюпа, И.В. Силантев, Ю.В. Шатин, П.П. Шкаренков) дискурс “коммуникатив воқеа” сифатида Тён Адрианус ван Дейкнинг парадигмасида тасвирланган. Волгоград вакиллари (В.И. Карасик, М.Р. Зелтухина, Э.А. Попова, Э.И. Шеигал ва бошқалар) эса дискурсни “хаётга сингиб кетган” лингвосоциологик ҳодиса сифатида талқин қиладилар [Чернявская В., 2013; 105-112].

Умуман, дискурс атамаси юқорида кўрсатилган мактаб вакиллари томонидан турлича изоҳланса-да, барчасининг асосини нутқий жараён ва экстралингвистик омиллар ташкил этади, лекин унинг моҳиятини теранроқ англаш учун ўзига хос параметрларини билиш ҳам муҳимдир. М.Халлидей ва Ҳасан Р. дискурсни асосий учта ситуацион вазиятга оид параметрларини қуйидагича ажратадилар: **field (майдон)**, **tenor** ва **mode**. **Field of discourse** – (дискурс майдони) содир бўлаётган ижтимоий вазиятнинг табиатига қаратилган бўлиб, техник ёки нотехник бўлиши мумкин. Нотехник майдон ўз ичига асосан кундалик ҳаётдаги умумий мавзуларни қамраб олса, техник майдон тилшунослик, ҳуқуқ, компютер ва шу каби бошқа махсус соҳалардаги мавзулардан иборатдир. **Tenor of discourse** сўзлашувчилар табиати, уларнинг ўзаро муносабати, ушбу жараёндаги роли ва мавқеига қаратилади. **Mode of discourse** эса “Ўша контекстда тил қандай рол ўйнайди ва унинг вазифаси нимадан иборат?”, “Дискурс қатнашувчилари шу тилдан нимани кутишади?” деган саволларга жавоб излайди [Халлидей М., Ҳасан Р., 1985; 12].

Дискурс ва дискурсив таҳлилни ўрганиш билан бирга унинг турларини аниқлаш муаммоси ҳам кўплаб тадқиқотчилар томонидан кўтарилган. Ваҳоланки, уларнинг кўпчилиги ўз қарашларидан келиб чиққан ҳолда турли мезонларга асосланиб дискурсни турларга ажратадилар. М.Л. Макаров таснифига биноан, дискурс сўзлашув ва институционал турларга ажратилади. Олим ушбу турларга хос олтита мезон, яъни йўналиш, нутқий чекловлар, коммуникатив ролларнинг ўзгариши, таркибий тузилиш даражаси, тўғридан-тўғри матнга боғлиқлик даражаси ва мақсадларнинг сони ва моҳияти асосида уни қуйидагича ёритиб беради [Макаров М., 2003; 175]:

1-жадвал.

Сўзлашув дискурси	Институционал дискурс
<i>жараёнга йўналтирилганлик</i>	<i>структурага йўналтирилганлик</i>
<i>минимал нутқий чекловлар</i>	<i>максимал нутқий чекловлар</i>
<i>коммуникатив ролларнинг нисбатан эркин алмашинуви</i>	<i>коммуникатив ролларнинг нисбатан барқарор алмашинуви</i>
<i>бевосита матнга боғлиқлик даражасининг юқорилиги</i>	<i>бевосита матнга боғлиқлик даражасининг камлиги</i>
<i>маҳаллий ташилотнинг устунлиги</i>	<i>глобал ташилотнинг устунлиги</i>
<i>мақсадлар кўп ва улар, одатда, локал (маҳаллий) характерга эга</i>	<i>мақсадлар кам ва улар, одатда, глобал характерга эга</i>

Кўринадик, институционал ва сўзлашув дискурси ўртасида сезарли фарқ мавжуд ва структуравий йўналиш институционал дискурсининг асосий хусусияти ҳисобланади. Негаки, дискурсининг ушбу тури қатъий тузилишга эга ва нутқий ҳаракатнинг аниқ кетма-кетлигини талаб қилади. Сўзлашув дискурси эса коммуникатив ҳаракатлар, асосан, айна пайтдаги жараёнга боғлиқ бўлганлиги учун ҳам барқарор структурага эга эмас.

Институционал дискурда нутқий чекловларнинг максималлиги нутқий шакллар ва ҳаракатларнинг изчиллигини сақлашни назарда тутаяди, яъни бу институционал дискурсининг ушбу турига мурожаат қилган барча коммуникаторларга келиб чиқиши, нутқ тузилиши ҳақидаги ижтимоий-маданий билимларидан фойдаланган ҳолда қоидаларга мувофиқ равишда мулоқот қилиш имконини беради. Шуниси ҳам эътиборлики, муайян терминологиядан фойдаланиш шу дискурс иштирокчиларига муайян вазият ёки ҳодисани бир-бирларига тушунтирмасдан тушунишдек имконият яратади ва шунга мувофиқ нутқ иштирокчиларининг ҳам роллари нисбатан барқарор бўлади. Масалан, юридик дискурсининг турларидан бири бўлган суд дискурсида тиббиёт дискурсига қараганда коммуникаторларнинг роллари нисбатан қатъийдир, чунки тиббиёт дискурсида беморни қабул қилиш ҳолатига кўра коммуникатив роллар ўзгаради.

М.Л. Макаровнинг таъкидлашича, дискурсининг матн билан боғлиқлик даражаси *анафора* (матн бўлагининг ўзидан олдинги қисмдаги элемент билан алоқадорлиги) ва *корелляция* (матндаги икки ёки ундан ортиқ сўз ёки иборанинг айнан бир шахс ёки нарсга тегишли эканлиги)га қараб камаймайди, лекин шу дискурсни аниқлаб келадиган ва бевосита нутқ контексти ҳисобланадиган

когезия (дискурснинг расмий-грамматик боғлиқлиги) ва когерентлик (дискурсдаги жумлаларнинг нафақат расмий-грамматик боғлиқлиги, балки семантик-прагматик боғлиқлиги) ҳодисаларига боғлиқ [Макаров М., 2003; 147].

Демак, бевосита матнга боғлиқлик (со-текст)нинг институционал дискурсга таъсири сўзлашув дискурсига таъсиридан анча камдир. Бунинг асосий сабаби эса институционал дискурсда расмийликнинг нисбатан юқори даражада эканлигидир.

Ушбу дискурсда глобал ташкилотнинг устунлиги дейилганда, айти глобал ташкилот тўғрисида ижтимоий-маданий билимга эга бўлган ва муайян этномаданий гуруҳга тегишли коммуникаторларга ўша дискурсни бошқариш имкониятининг яратилиши тушунилади.

Мақсадлар сонининг камлиги эса, кўп ҳолларда муайян амалий муаммо ва бошқа тегишли масалаларни институционал дискурс доирасида ҳал қилиш зарурияти билан белгиланади. Масалан, тиббиёт дискурсида саломатлик тўғрисида масалаҳат олиш, юридик дискурс мисолида даъвони кўриб чиқиш ва ҳарбий дискурсда қўмондон томонидан белгиланган топшириқларни бажариш каби мақсадлар ётади [Коновалова М., 2019; 27].

Аммо, оғзаки мулоқотнинг сўзлашув ва институционал турлари ўртасидаги сезиларли фарққа қарамай, улар орасида ҳали ҳам яқин алоқа мавжуд. Чунки, сўзлашув дискурси институционал дискурс юзага келишининг тамал тоши бўлиб, *status-representative* (мавқе-вакиллик) даражасида мулоқот қилиш учун зарур бўлган яширин потенциалларни ўз ичига олади. Бошқа томондан, сўзлашув дискурсидан институционал дискурсга ўтиш жараёнида бир қанча қийинчиликларга дуч келамиз. Бу қийинчиликлар ўз навбатида бир алоқа кодидан бошқасига ўтиш билан боғлиқ. Ушбу нутқ кодлари Бернштейн томонидан батафсилроқ ўрганилган ва у кенгайтирилган ва қисқартирилган кодларга (*elaborated and restricted codes*) ажратилган. Кундалик мулоқот контекстида барча коммуникаторлар бир-бирларини яхши билишади, аниқ мавзу доирасида суҳбат қуришади ва муайян мулоқот мақсадларига эга бўлишади, шу боис интерлокуторга аниқ нарсалар ҳақида изох беришнинг ҳожати ҳам йўқ, чунки мулоқот юқори контекстуал боғлиқликка эга бўлган қисқартирилган код ёрдамида тузилади. Кундалик мулоқот доирасидан ташқарига чиққанда эса, коммуникатор интерлокутор билмаслиги мумкин деган тахминга асосланиб, керакли асосий маълумотларни беришига тўғри келади ва кенгайтирилган алоқа коди контекстга унчалик боғлиқ эмас. Кодларни эркин алмаштириш эса юқори билимга эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлиб, етарли даражада маълумотга эга бўлмаган ижтимоий қатлам вакиллари кенгайтирилган код ёрдамида алоқа қилиш қобилиятига эга эмаслар, чунки уйда ва кўчадаги дўстлар орасида бундай мулоқот қилиш мазмунсиздир [Бернштейн Б., 1964; 55-69].

Шубҳасиз, институционал алоқа турини аниқлаш ҳам бир нечта мезонларга боғлиқ ва В.И. Карасик уларни қуйидагича таърифлайди:

1) коммуникаторларнинг статус – рол-хусусиятлари (судя–судланувчи–

адвокат–прокурор–гувоҳ, ўқитувчи–талаба–ота-она, шифокор–бемор);

2) мулоқот мақсади (қонун ишлаб чиқиш, изоҳлаш ва уни юридик амалиётда қўллаш, касалликка ташхис қўйиш ва уни тўғри даволаш);

3) мулоқотнинг прототип жойи (суд зали, юридик идора, мактаб, касалхона ва бошқалар) [Карасик В., 2000; 5-20].

Олим шунингдек, институционал дискурснинг бир нечта кичик турларини ҳам санаб ўтади ва мисол тариқасида сиёсий, маъмурий, юридик, ҳарбий, педагогик, диний, тиббий, илмий, тижорат, реклама, спорт ва оммавий ахборот дискурсларини келтиради. Шубҳасиз, ушбу рўйхатни қисқартириш ёки давом эттириш мумкин, чунки ижтимоий институтлар ўртасидаги фарқ катта ва уларни бир хил ҳодиса деб қараш ҳам тўғри келмайди [Карасик В., 2002; 208-240].

Бугунги кунга қадар институционал дискурс турларидан бири бўлган юридик дискурс юридик коммуникацияга қизиқиш билдирган кўплаб тилшунос ва ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган. Россиялик олим И.В. Палашевская фикрича, “юридик дискурс институционал дискурснинг турларидан бири бўлиб, қонун билан белгиланган институционал коммуникация вазиятидаги ҳулқ-атвор меъёрлари ва рол нормалари тизимига мувофиқ иш кўрувчи шахслар ўртасидаги статусга йўналтирилган мулоқот ёки ўзаро таъсир”, демакдир [Палашевская И., 2010; 235]. О.В. Косоноговага кўра, “юридик дискурс профессионал мулоқотнинг барча турлари ва жанрларини – юридик ҳужжатлар (қонун матнлари, суд қарорлари, гувоҳларнинг ёзма кўрсатмалари, васиятномалар ва бошқалар) ва жамоат олдидagi чиқишларни (судларнинг айблов ёки оқловчи нутқлари, адвокатларнинг кириш ва якунловчи нутқлари, ҳуқуқшунослик бўйича илмий маърузалар ва бошқалар) ўз ичига олади. Шу билан бирга, юридик дискурс ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўзининг иштирокчилари коммуникатив стратегияларини чеклайдиган институционал дискурснинг барқарор туридир. Масалан, суд у ёки бу қонунни ўз ҳолича эркин талқин эта олмайди, негаки унинг касбий хатти-ҳаракатлари тегишли принциплар ва қоидалар билан чекланган ва тартибга солинган. Бундан ташқари, тилшунос юридик дискурсни куйидаги таркибий қисмларга ажратади: а) мулоқот иштирокчиларининг мақом–роли хусусиятлари (суд–айбланувчи, адвокат–айбланувчи, суд–адвокат ва бошқалар). Умуман олганда, юридик дискурсда ҳамisha иштирокчилар сони камида иккитани ташкил этиши керак, яъни ахборот хабарини яратувчи муаллиф ва шу хабарни қабул қилувчи шахс; б) мулоқот мақсади (жиноят ҳолатларини очиб бериш, гумондорнинг айбини ёки айбсизлигини аниқлаш ва бошқалар); в) мулоқот прототип жойи (қамоқхона, суд зали ва бошқалар) [Косоногова О., 2015; 63].

Юридик дискурс ҳам бошқа дискурс турлари сингари ёзма ва оғзаки турларга бўлинади ва улар ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади. Оғзаки юридик дискурс сўзловчи – прокурор, адвокат, суд, терговчи сўзлаётган пайтида мавжуд бўладиган ва коммуникатив жараён билан боғлиқ бўлган нутқ бўлиб, у таҳрир имкониятларидан маҳрум ва тингловчига ўз ҳолича етиб боради. Қолаверса, ёзма юридик дискурсдан кўра, оғзаки

юридик дискурсининг луғавий таркиби нисбатан камроқ ва у кўпроқ такрор ва қайтариқлардан иборат бўлади. Ёзма юридик дискурс эса барча ёзма юридик матнларни ўз ичига олади ва уларда нисбатан аниқлик, мантиқийлик, соддалик ва изчиллик таъминланади [Усмонов С., Зиямухамедова Ш., 2018; 47-50].

Юридик дискурсининг ушбу кўринишлари ҳақидаги А.В. Баламакованинг қарашларини қуйидаги жадвал асосида ифодаладик (34):

2-жадвал.

Юридик дискурс			
Ёзма		Оғзаки	
Юридик ҳужжатлар тили	Илмий тадқиқот тили	Жамоат олдига профессионал нутқ сўзлаш тили	Кундалик профессионал мулоқот тили
Натижаси			
• қарорлар • ҳукмлар • буйруқлар • актлар	• мақолалар • тақризлар • ўқув қўлланмалари	• суд жараёнидаги турли хил чиқишлар – оқлов, ҳимоя қилиш • суд жараёни иштирокчилари билан мулоқот	• консультациялар • маълумотлар • сўровлар

Тилшуносликда юридик дискурсининг даврий ўрганилиши юридик тил ва унинг таркибий қисми бўлган қонун тили тараққиёти билан боғлиқдир. Юридик тил ҳам бошқа профессионал тиллар қатори адабий тилнинг бир бўлаги сифатида асосан қонунчилик ҳамда расмий доирада қўлланилиб, ўзига хос услуби, луғавий бирликлари ва терминологик системасига эга. О.В. Косоногованинг эътирофича, “Юридик тил қонунчилик, норматив ҳужжатлар, суд мажлисидаги прокурор ва адвокат нутқи, судья томонидан эълон қилинадиган ҳукмлар тили ва умуман олганда, юриспруденция доирасида қўлланиладиган тилдир” [Косоногова О., 2008; 189]. Юридик тил А.Саидов таъкидлаганидек, “Кўп минг йиллик тараққиёт ва кўп авлодлар тажрибаси маҳсулидир” [Саидов А., Саркисянц Г., 1994; 5], яъни “...Ҳуқуқ ривожланишининг тарихий тажрибаларини ўзида мужассам қилган юридик тил инкор этиш мумкин бўлмаган қадрият, ҳуқуқий маданиятнинг ажралмас қисмидир” [Саидов А., 1997; 64]. Шундай экан, юридик тил ҳам юридик дискурсининг объекти сифатида кўп минг йиллик тарихга эга.

Инглиз тили генетик жиҳатдан ҳинд-европа тиллари оиласининг герман гуруҳига мансуб ва унинг шаклланишида бошқа кўплаб тилларнинг ўрни бекиёс. Жумладан, мазкур тилда қўлланиладиган сўзларнинг кўпчилиги лотин, француз, немис, италян, испан ва бошқа тиллардан ўзлашган. Шунингдек, ушбу тилнинг ривожланиш тарихи бир неча босқичга бўлинади ва бу юридик тилнинг шаклланишида катта аҳамиятга эга. Изланишлар натижасида инглиз юридик дискурсининг ривожланишини қуйидаги босқичларга ажратдик:

3-жадвал.

<i>Old legal English</i> (Қадимги юридик инглиз тили)	<i>Middle legal English</i> (Ўрта асрлар юридик инглиз тили)	<i>Modern legal English</i> (Замонавий юридик инглиз тили)
Милодий 450 – 1100	Милодий 1100 – 1500	1500 – ҳозиргача
Англо-саксон, ют, фриз герман қабилалари босқини; Викинглар истилоси	Норманд фатҳи	Мустамлакалаштириш
Англо-саксон тили Лотин тили Қадимги скандинавия тили	Лотин тили Норманд француз тили	Халқаро юридик инглиз тили

Мозийга қайтиб шунга гувоҳ бўлиш мумкинки, юридик инглиз тили шаклланишининг илк босқичи қадимги юридик тил деб номланиб, бу милодий 450-йилларга тўғри келади. Бинобарин, Ютландия ва Даниянинг жанубий қисмидан англо-саксон, ют ва фриз-герман қабилалари милодий V–VI асрларда Британия ороллариини забт эта бошлашади. Улар англо-саксон ёки қадимги инглиз тили деб аталадиган замоний фриз тили – Голландиянинг шимолий-шарқий минтақаси тилига ўхшаш ўзаро тушунарли бўлган тилда сўзлашишган. Англо-саксонлар ўша даврларда саводли бўлмаганликлари боис, уларнинг қонунлари ҳам бутунлай анъанавий кўринишга эга бўлган. Ҳукукий қарорлар кўп ҳолларда *moots* деб номланувчи машҳур йиғилиш аъзолари томонидан қабул қилинган. Масалан, кимдир бошқа бировни жароҳатлаган ёки ўлдирган ҳолатда жабрланувчи ёки унинг қариндошлари жиноятчидан қасос олишга ҳақли саналган, лекин аксарият ҳолларда у товон тўлаш ёки яшириниш орқали жазодан қутулиб қолган. Жазо эса жароҳатнинг жиддийлиги ва жабрланувчининг ҳолатига қараб белгиланган. Бундан ташқари, бу даврда ҳукукий ишларни ҳал этишда қасамёдлар ҳам кенг қўлланилган ва уларнинг қатъий ва дудуқланмасдан айтилиши талаб этилган. Шу боис, улар қонуний кучга эга бўлган.

Таниқли тилшунос ва юрист олим Питер Тиерсма таъкидлаганидек, “Англо-саксонлар алоҳида юридик касбга эга бўлмасалар-да, юридик тилнинг ўзига хос турини яратишган ва унинг қолдиқлари бугунги кунгача сақланиб қолган [Тиерсма П., 1999; 9]. Бунинг ёрқин мисоли сифатида эса *bequeath* (васият), *goods* (товар), *guilt* (айб), *manslaughter* (одам ўлдирishi), *murder* (қотиллик), *oath* (қасам), *right* (ҳуқуқ), *sheriff* (шериф), *steal* (ўғирламоқ), *swear* (қасам ичмоқ), *theft* (ўғирлик), *thief* (ўғир), *ward* (васийлик остидаги шахс/участка), *witness* (гувоҳ) ва *writ* (нома/ёзуш) каби сўзларни келтиришимиз мумкин. Шунингдек, англо-саксон юридик инглиз тилида сўз бойлигидан ташқари аллитерация асосий ўринни эгаллаган. Қофиядан фарқли ўлароқ, аллитерация сўзларнинг бир хил ундош товуш билан бошланишига асосланади ва бу нафақат шеърӣ, балки ибораларни ҳам осонроқ эслаб қолишга ёрдам беради. Шунга кўра, англо-саксонлар шеърӣятида ҳар бир сатрда икки ёки уч сўзни аллитерациялашга ҳаракат қилинган. Аммо, бугунги кунда англо-саксон аллитерацияларининг кўпчилиги қўлланилмайди. Сақланиб қолганларидан бири – *to have and to hold*

(бир умрга бирга бўлмоқ) аллитерацияси ҳозирги кунда ҳам никоҳ қасамининг бир қисми сифатида ишлатилади. Масалан:

Do you, Max, take this Crystal Heart to have and to hold, in sickness and in health...

Қолаверса, васиятномаларда қўлланиладиган *rest, residue and remainder* (мол-мулкнинг қолган қисми) ва шартномаларда учрайдиган *hold harmless* (шартнома тузувчи бир ёки иккала томоннинг етказилган зарар учун юридик жавобгарликдан озод этилиши) иборалари ҳанузгача инглиз юридик тилида фаол ишлатилади. Бундай бир хил грамматик категориядаги параллел сўз ва иборалардан фойдаланиш англо-саксон қонунларига бўлган лингвистик талабларни янада оширган ва натижада мураккаб ижтимоий муносабатларни акс эттирувчи юридик тил пайдо бўлган.

Англо-саксонлар нафақат қадимги инглиз тилидан, балки лотин тилидан ҳам юридик тил сифатида фойдаланганлар. Гарчи лотин тили Рим истилоси даврида Англияга кириб келган бўлса-да, 597 йили христиан миссионерлари келганидан кейингина асосий кучга айланган ва кўп ўтмай лотин тилига черков ва таълим тили сифатида қаралган. Натижада, таълим ва черков ўртасидаги алоқалар шу қадар кучайганки, деярли иккаласи ҳам бир хил мавқега эга бўлган ва биринчи ёзма инглиз қонунлари юзага келган. Шунингдек, англо-саксон қиролларидан бир нечтаси қонун кодексларини чиқаришган ҳамда юридик шартномаларни (васиятнома, ер ҳуқуқига доир) ёзма равишда қайд эттирган. Бундай ҳужжатларнинг асосий қисми лотин тилида, баъзилари эса қадимги инглиз тилида ёзилган [Тиерсма П., 2010]. Ушбу даврда инглиз юридик тили *conviction* (ҳукм), *mediate* (воситачилик қилиш), *legitimate* (қонуний), *clerk* (котиб) ва *clergy* (руҳоний) каби лотин тилидан кириб келган атамалар билан бойитилди [Ускова Т., 2008; 191]. Шунинг учун ҳам асрлар давомида руҳонийларнинг нуфузи анча баланд бўлиб, инглиз судлари уларнинг дахлсизлигини тан олган. Масалан, дорга ошиш ҳукмидан озод бўлиш учун уларнинг шунчаки Инжилдан бир қатор оятни ўқишлари етарли саналган. Лотин тили инглиз қонунчилигида суд ёзувлари тили сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳаттоки, судда кўрилаётган иш номларида ҳалигача лотин тилидаги *versus* (қарши) атамаси ишлатилади ва инглиз юрист ва судялари ҳам қонун тўғрисидаги ибора ёки мақолларни асосан лотин тилида ифодалашга мойил бўлишган. Масалан, *Caveat emptor* (*let the buyer beware* – тижорат шартномалари қонунчилигида шартномада аниқ қафолат бўлмаган тақдирда харидорнинг маҳсулотни таваккал қилиш асосида сотиб олиш принципи) ибораси бугунги кунда ҳам тижорат шартномаларида учрайди.

Шубҳасиз, инглиз юридик тилининг кейинги манба тили скандинавия тили ҳисобланади, чунки VI асрга келиб викинглар Англия қирғоқларида босқинчилик қила бошлашади ва охир-оқибат у ерларни эгаллаб олишади. Натижада, инглиз юридик тилига *gift* (ихтиёрий равишда ўтказилган мулк), *loan* (қарз/кредит), *sale* (сотув), *trust* (ишонч) каби сўзлар кириб келади. Қизиғи шундаки, *law* (қонун) сўзининг ўзи ҳам айнан шу тил таъсирида юзага келган бўлиб, *something fixed or laid*, яъни ўрнатилган ёки мустаҳкамланган нимадир

деган маънони англатади [Бовен С., 2005].

Таъкидлаш лозимки, бу даврнинг юридик ҳужжатлари ҳамда қонунлари ҳақидаги асосий маълумотлар бизгача, асосан, 1086 йили ёзиб тугатилган “Domesday Book” ёки “Doomsday Book” китоби ҳамда Кемблнинг “Codex Diplomaticus” тўпламлари орқали етиб келган [Поллоск С.Ф., Маитланд Ф.М., 2013; 28-29].

Бир неча асрлар ўтгач, яна бир скандинавияликлар гуруҳи инглиз юридик тилига анча катта таъсир кўрсатди. Улар нормандлар (northman – шимоллик киши) деб аталган. Лекин уларнинг ҳам асли келиб чиқиши IX–X асрларда Нормандия худудини босиб олган викинглардан бўлган ва бора-бора Нормандиянинг викинг босқинчилари ҳам маданий, ҳам лингвистик жиҳатдан французлаша бошлашган. 1066 йилга келиб эса Нормандия герцоги Уилям тахтга даъвогарлик қилади ва Англияни забт этади. Кўп ўтмай, инглиз тилида сўзлашувчи ҳукмрон синф ўрнини норманд-французчада сўзлашувчи кишилар синфи эгаллади. Кейинчалик Сир Валтер Скотт ўзининг “Ivanhoe” романида бу жараёни шундай таърифлаган: “Норманд фатҳидан сўнг, ўта таъсирчан бўлган англо-саксон тилидан воз кечилди ва француз тили шон-шараф, рицарлик ва ҳатто адолат тилига айланди. Натижада, барча суд жараёнлари, жинойт ишлари ва ҳукмлар худди шу тилда олиб борилди” [Sir Walter Scott, 1845; 3].

Кўринадики, нормандлар истилоси даврида француз тили ҳокимият ва суд тилига айланган бўлса, инглиз тилидан аҳолининг фақат қуйи қатлами фойдаланган. Шу сабабли, ҳукумат ва суд ишларига тегишли бўлган терминларнинг кўпчилиги француз тилидан кириб келган ва улардан баъзилари ханузгача фаол қўлланилади. Масалан, *property* (мулк), *estate* (кўчмас мулк), *chattel* (кўчар мулк), *lease* (ижарага бермоқ), *executor* (ижроочи), *tenant* (ижарачи) [Хей Р., 2011].

Аммо, ушбу даврда ҳуқуқий ҳужжатлар француз тилида эмас, балки латин тилида ёзилган ва рус тилшуноси Т. Ускова “шу тилдаги баъзи сўзлар ва иборалар замонавий инглиз юридик ҳужжатларида ҳам қўлланилади” деган фикрни билдирган, жумладан: *ad hoc* (махсус), *de facto* (аслида), *bona fide* (адолатли), *inter alia* (хусусан/бошқа нарсалар қаторида), *ultra vires* (расмий ваколатлардан ташқари) [Ускова Т., 2019; 99]. Ниҳоят, 1275-йиллар атрофида француз тилида қонунлар пайдо бўла бошлаган. 1310 йилга келиб парламентнинг деярли барча ҳужжатлари шу тилда юритилган. Эдвард I ҳукмронлиги даврида эса француз тили қирол судларининг тили вазифасини ўтади.

Ажабланарлиси инглиз ҳуқуқ тизимида француз тилининг аҳамияти катта бўлса-да, тирик тил сифатида сақланиб қолиши жиддий муҳокамага сабаб бўлаётган эди. Машҳур инглиз тарихчиси Ж.Бейкер 1300 йилдан кейин ҳуқуқий соҳадан ташқарида инглиз-француз тилининг секин-аста таназзулга юз тутаётгани кузатилишини айтади. Ҳаттоки, қирол хонадони ва маҳаллий французлар 1400-йилларнинг бошларида инглиз тилини қайта қўллай бошлаганлар [Бейкер Ж., 1990]. Бунинг ёрқин мисолини 1362 йили қабул қилинган “Statute of Pleadings” номли Низомда ҳам кўриш мумкин. Негаки,

Низомда барча суд жараёнлари инглиз тилида ўтказилиши, лекин лотин тилида ёзиб олинishi керак деб таъкидланган эди. П.Тиерсма бу ҳақида шундай дейди: “Бу Низомда француз тили “Империяда номаълум тил, суд жараёнида томонлар ишнинг ўз фойдаларига ёки уларга қарши ҳал бўлаётганини билмайдилар ва гапирилаётган гапларни тушунмайдилар” деб қораланган”. Шунга қўра, низом барча аризаларни инглиз тилида қўриб чиқилиши ҳамда муҳокама қилинишини талаб қилган. Қизиғи, низомнинг ўзи француз тилида ёзилган эди. Шу боис, кўплаб ҳуқуқшунослар унга бутунлай қарши бўлишган ва 1480-йиллари парламент қонунчилиги инглиз тилига ўтди, аммо ҳуқуқий рисолалар ва суд ёзувларида XVI аср ва XVII асрнинг биринчи ярмида ҳам, асосан, француз тили сақланиб қолди. Шунинг учун, француз тилига бўлган норозиликлар янада кучайишда давом этган ва 1549 йили Кантерберидаги биринчи протестант архиепископи Томас Кренмер “Мен суд залидаги томонларнинг ҳимоя қилаётган адвокатлари француз тилида сўзлаганликлари учун ҳам тушунмаганликлари ҳақида эшитиб қолдим” деб ёзган. Тахминан бир аср ўтгач, пуританлар ҳокимиятга кўтарилиб, қиролни тахтдан ағдаришади ва 1650 йили барча ёзувлар ва қонун китобларини “фақат инглиз тилида” бўлишини талаб қиладиган қонун қабул қилинади. Улар нафақат оддий ҳаётни, балки содда тилни қўллаш тарафдори бўлганлар. Лекин 1660 йили, монархия тикланганидан сўнг, бу “ёлғон ҳаракат” такрорланди ва эски ҳолатга қайтилди, яъни ҳуқуқшунослар кейинги бир неча йиллар давомида яна француз юридик тилида ёзишни давом эттиришди [Тиерсма П., 1999; 29-3].

Инглиз ҳуқуқшунос-лингвисти Р.Хей ҳам “Инглиз тили турли даврларда турли хил ҳуқуқий ҳужжатлар учун ишлатилган. Масалан, васиятномалар 1400 йил атрофида инглиз тилида тузила бошлаган бўлса, низомлар 1300 йилгача лотин тилида, 1489 йилгача француз, бир неча йиллар давомида ҳам инглиз ҳам француз тилларида ва фақат 1485 йилдан бошлаб фақат инглиз тилида ёзилган” деб таъкидлайди [Хей Р., 2011]. Бундан маълумки, ўрта асрларда инглиз ҳуқуқшунослари асосан учта тилдан фаол фойдаланганлар ва бу янги ҳодиса дублет жуфтликларнинг пайдо бўлишига олиб келди [Меллинкофф Д., 1963; 121]:

- 1) *breaking and entering* (бузиш ва кириш) – инглиз/француз;
- 2) *fit and proper* (мос ва тўғри) – инглиз/француз;
- 3) *lands and tenements* (ер ва мулк) – инглиз/француз;
- 4) *will and testament* (васият) – инглиз/лотин;
- 5) *act and deed* (ҳаракат) – француз ёки лотин/инглиз.

Ҳақиқатан ҳам, француз тили асосий касбий тил бўлганлиги сабабли, у кўп асрлар давомида юридик тилга ҳам ўз таъсирини кўрсатган ва юридик тилдаги кўплаб сўзлар худди шу тилдан ўзлашган. Мисол учун: *appeal* (шикоят/апелляция), *attorney* (адвокат), *bailiff* (суд ижрочиси), *bar* (адвокатлар гуруҳи), *claim* (даъво), *complaint* (шикоят), *counsel* (суд ходими), *court* (суд), *defendant* (судланувчи), *demurrer* (шикоят), *evidence* (далил), *indictment* (айблов ҳулосаси), *judge* (судья), *judgement* (ҳукм), *jury* (судьялар), *justice* (адолат), *party* (томон), *plaintiff* (даъвогар), *plea* (судланувчининг баёноти/даъвоси), *sentence* (суд ҳукми), *sue* (даъво), *verdict* (суд ҳукми) ва *voir dire* (адолатли ва ҳолис ҳакамлар ҳайъати

танлаш учун томонлар томонидан қўлланиладиган жараён).

Француз тили таъсирининг яна бир ёрқин мисоли – бу тилда сифат, одатда, ўзи ўзгартираётган отга эргашади. Бундай бир нечта бирикма инглиз юридик дискурсида ҳозир ҳам кенг тарқалган бўлиб, улар орасида *attorney general* (бош адвокат), *court martial* (ҳарбий суд), *fee simple absolute* (оддий мутлақ мўлов), *letters testamentary* (васиятнома хатлари), *malice aforethought* (олдиндан режалаштирилган ёмонлик), *solicitor general* (бош адвокат) кабиларни алоҳида таъкидлаш мумкин. Бундан ташқари, француз юридик тилида -ее аффиксидан ҳаракат объекти ёки қабул қилувчи шахс маъноларини англатувчи сўзларни ясада фойдаланилади ва бугун инглиз ҳуқуқшунослари ҳам шу усулга мувофиқ янги сўзларни таклиф қилишмоқда. Масалан, *asylee* (қочқин), *lessee* (ижарачи/лизинг олувчи), *condemnee* (маҳкум), *detainee* (ҳибсга олинган), *expellee* (қувғин) ва *tipree* (компания вакилидан, кўпинча, ноқонуний маълумот олганидан сўнг, бошқаларга маълум бир компаниянинг акцияларини сотиб олиш ёки сотишни маслаҳат берадиган шахс).

Вақт ўтиши билан ҳуқуқшуносларнинг юридик француз тили чеклана бошлаган ва француз ҳуқуқий ҳужжатларида инглизча сўзлар сони ортиб борган. 1631 йили Англияда судяга бир бўлак ғиштни улоқтиргани учун судланган шахс ҳақидаги машҳур воқеа мисолида ҳам инглизча сўзларнинг ишлатилганига гувоҳ бўлиш мумкин: “*He ject un brickbat a le dit justice, que narrowly mist. immediatement hange in presence de Court*”. Шу каби инглиз-французча формулалардан фойдаланиш ниҳоят, 1731 йили парламент суд жараёнида француз тилини қўллашни мутлақо таъқиқлаганида, яъни нормандлар Англияни босиб олганидан 600 йил, инглиз қироллик суди француз тилидан расмий тил сифатида фойдаланишни тўхтатганидан 300 йил ўтгач ниҳоясига етди [Schneiderová, A., 2018; 124].

Европанинг “Civil law” – Фуқаролик ҳуқуқи мустамлакачилик орқали дунёнинг кўп қисмларига тарқалганидек, собиқ Британия империясининг тили ва “Common law”- Оммавий ҳуқуқи кўплаб давлатларда қўлланила бошланди. Жумладан, Канада, Австралия, Янги Зеландия, Ҳиндисон, Покистон, Малайзия ва бошқа давлатларда бугунги кунда ҳам инглиз тилида асосий ёки иккинчи тил сифатида сўзлашишади ва инглиз тили иккиламчи бўлган Британиянинг собиқ колонияларида қуйи судлар, одатда, маҳаллий тилда, олий судлар эса кўп ҳолларда инглиз тилида иш юритади. Шунинг учун ҳам, инглиз юридик қонунчилиги бу каби давлатларда ҳануз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Бирок, Америкамустамлакалари ўз мустақиллигини қўлга киритганларидан сўнг кўп инглизча қарашларни рад этдилар. Шунга қарамай, уларда “Common law” тизими сақлаб қолинди ва ушбу тизим билан боғлиқ бўлган юридик тилдан фойдаланиш давом этди. Шундай экан, аксарият ҳолларда замонавий инглиз ҳуқуқшунослари америка юридик тилини ҳам жуда яхши тушунишади ёки аксинча [Тиерсма П., 1999; 43-47].

Замонавий оғзаки юридик тил ҳам ҳар қандай тирик тил каби такомиллаша боради, яъни янги ўзлашма сўзларнинг қўлланилиши жойига

кўра турли хил диалектларни шакллантиради. Бу эса Британия ҳамда Америка юридик дискурсида айрим тафовутларни юзага келтиради. Масалан, АҚШ қонунчилигида Англия қонунчилигидегидек *solicitor* ҳамда *barrister* каби юридик касб турлари ишлатилмайди ва унинг ўрнига оддийгина *attorney* ёки *lawyer* қўлланилади. Баъзан атамалар маъноларидаги ўзгаришларни ҳам кузатиш мумкин. Британча юридик инглиз тилига кўра *judgement* сўзи *шунинг натижаси, қарор* ёки *қарор сабабларининг баёоти* маъноларига эга, аммо америка юридик инглиз тили уларнинг фақат биринчи маъноси билан чекланган. Бундай фарқлар бошқа юридик атамаларда ҳам учрайди ва Ҳей томонидан тузилган куйидаги жадвалда улардаги фарқни кўриш мумкин [Ҳей Р., 2009; 82-83]:

4-жадвал.

Юридик терминлар	
Буюк Британия	Америка
Competition law (рақобат ҳукуки)	Antitrust law
Company law (Компания/Корпорация ҳукуки)	Corporation law
Employment law (Меҳнат ҳукуки)	Labor law
Private limited company (Ltd.)-МЧЖ	Limited liability company (LLC)
Maintenance (алимент)	Alimony
Theft (ўғрилик)	Larceny

Ўзбек юридик тилини ҳам хорижий мамлакатлар юридик тилининг ривожланиш босқичлари каби даврлаштиришни жоиз деб билдик:

1. Қадимги давр юридик тили (мил.ав. II минг йилликнинг ўрталари – милодий I минг йиллик ўрталари).
2. Ўрта асрлар (V – XIX асрнинг 2-ярми).
3. Янги давр (XIX асрнинг 2-ярми – XX аср бошлари).
4. Энг янги давр (XX боши – XXI аср).

Кўринадики, ҳар бир даврда ўзига ҳос сиёсий-ижтимоий ва ҳуқуқий ўзгаришлар юз берган ва бу юридик тилга ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Қадимги давр тарихи биринчи навбатда, ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши ҳамда давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши билан характерланади. Бу давр ҳақида маълумот берувчи илк ёзма манбалар “Авесто”, аҳамонийлар даври миҳсимон ёзувлари бўлиб, бундай манбалар асосан юртимиздан четда ёзилган. Мазкур манбаларда Ўрта Осиёдаги энг қадимги Шарқ ва дунё тарихи, энг қадимги халқларнинг номлари, афсонавий қаҳрамонлар ва подшоларнинг номлари, юртимиз халқларининг турмуши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузumi тўғрисида маълумотлар келтирилган. Жумладан, зардуштийлик динининг муқаддас китоби саналган “Авесто” IX асрларда юзага келган ва унда қадимги қабилаларнинг сиёсий тузumi, ҳуқуқи, хулқ-атвор қоидалари, оила-никоҳ масалалари, жиноят ва жазо ҳақидаги кўрсатмалар берилгани диққатга сазавордир. Масалан, ушбу манбада жиноят тушунчаси мавжуд бўлмаган бўлса-да, зардуштийлик ақидасига кўра бировни алдаш, ёлғон гапириш, табиатга зарар етказиш кабилар жиноят ҳисобланган ва уларга жазо чоралари кўрилган.

Бу ҳақида манбанинг ҳуқуқий қисми бўлган “Вандидод” китобидан билиб олиш мумкин [Одилқориев Х., Азизов Н., 2012; 43].

Аҳамонийлар подшоларидан Доронинг Беҳистун қояларидаги ёзувларида босиб олинган ўлкаларда “қонунлар” жорий қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд. Чунончи, Доро I айрим ишларни ҳал этишда ўзи ва алоҳида тайинланган судялар билан иш юритган подшоҳ ва унинг оила аъзоларига қарши қаратилган ҳамда бир неча жиноятларни содир қилганлик учун ўлим жазоси белгиланган.

Тарихий ҳуқуқий терминларни чуқур ўрганган ўзбек тилшуноси О.Турсунова қадимги ёзма обидалар тилида *ата, қан, ег, апа, қиз, ага, уни, чолуқ, эр, қатун, эке, йигун, ачи, ингун* ва бошқа шунга ўхшаш оила ва никоҳга доир қадимги туркий сўз-терминлар учрашини ўз тадқиқотида алоҳида таъкидлайди [Турсунова О., 2007; 18].

Эрамизнинг бошларидан VII асрга қадар бўлган даврда давлатимиз ҳудудида ҳуқуқ ва ҳуқуқий масалаларнинг ривожланишида Кушон подшолиги, эфталитлар давлати ва Турк ҳоқонлигининг ўрни бекиёсдир. Жумладан, VI аср ўрталарида ташкил топган Турк ҳоқонлиги ҳақидаги маълумотлар бизгача асосан VI–VIII асрлардаги Суғд юридик-нотариал ҳужжатлари ёрдамида етиб келган. Унда ерни ҳарид қилиш, ижарага бериш, никоҳни қайд этиш каби масалалар кўрсатилган. Шунингдек, аҳоли номини ифодаловчи *будун, қора будун*, уруғ-қабил вакиллари номи *беклар*, шахзода номини билдирувчи *тегин*, вазир-амалдор номи *ябғу* ҳамда ноибларга берилган *тудун* унвони каби юридик атамалар ҳам айнан шу даврда ҳоқонликда кенг қўлланилган [Мухамедов Х., Ҳусанов О., 2008; 53-55].

Ўзбек юридик дискурси ва юридик тилининг бойишида араб тилидан ўзлашган терминлар ва ислом динининг муқаддас китоби ва шариатнинг энг асосий манбаи Қуръони карим алоҳида ўрин тутади. Бу VII асрда ташкил топган буюк Араб халифалигининг VIII асрга келиб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудини истило қилиши ва араб тили, маданияти ва мусулмон ҳуқуқшунослигининг ёйилиши билан боғлиқ. Ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар тарихчи олим Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида ёритилган. VIII–IX асрларда мусулмон фикшшунослигининг ташкил топиши учун Бағдод ҳамда ҳадислар асосида иш юритувчи Мадина мактаблари пайдо бўлди [Муқимов З., 2003; 63-67]. Шунингдек, Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг машҳур “Ҳидоя” китоби бутун ислом ҳуқуқшунослигида фикҳ илми бўйича энг изчил ва мукаммал манба сифатида эътироф этилади [Саидов А., 1994].

Тилшунос Г.Ғуломованинг фикрича, “юртимизда ислом ҳуқуқи жорий этилганлиги муносабати билан ўзбек юридик тилига кўплаб араб терминлари ўзлаштирилган бўлиб, уларни мозийда кенг қўлланилган ва ҳозирда ҳуқуқшунослар нутқида мавжуд бўлмаган ва бугунги юридик тилда кенг қўлланилувчи ўзлашма терминларга ажратишимиз мумкин”. Масалан, *каззоб, табаа (фуқаро), тавқ, талоқ, тарафайн, ҳанафия, моликия, закот, вожиб* каби сўзлар ҳозирги кунда юридик тилда ишлатилмайди. Лекин, *қонун, ҳуқуқ, фуқаро,*

тажовуз, тасарруф, туҳмат, шариат, ворис, мерос, мулк, никоҳ, жиноят, жазо каби арабчадан ўзлашган терминлар ҳозирги ўзбек юридик тилидаги фаол қўлланилувчи терминлар ҳисобланади [Ғуломова Г., 2004].

Қорахонийлар сулоласи ҳукмронилиги даврда яшаган XI асрнинг ўрта осийлик филолог-олими Маҳмуд Кошғарийнинг ўша даврда истиқомат қилган туркий уруғ ва қабилалар ҳақида қимматли маълумот берувчи “Девону луғотит-турк” (“Туркий сўзлар девони”) номли қомусий асарида ҳам кўплаб юридик атамалардан фойдаланилган. Масалан, *бошугу – озод қилиш, эвзади – туҳмат қилди, кучади – зўрлик қилди, бужурмақ – буюрмақ, иланди – айблади, ичкин эр – жосус, айгоқчи, жала – туҳмат, киртулади – ҳақиқат ҳисобланади, тасдиқлади, манчу – иш ҳақи, оғриламақ – ўғирламақ, оғри – ўғри ва бошқалар* [Девону луғотит-турк, 1967].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек юридик дискурсининг ривожланишида Темурийлар давлати ва ҳуқуқ тизими катта аҳамиятга эга. Бинобарин, Темур кодекси, яъни Амир Темурнинг давлатни бошқаришдаги қонун-қоидалари тўплами ҳисобланган “Темур тузуклари” XIV асрнинг иккинчи ярмига оид ижтимоий-сиёсий воқеаларни, Темур салтанати, давлат тизими, суд қурилишига дахлдор бўлган асосий маълумотларни ўзида акс эттирган тарихий ҳужжат саналади. Манбага асосланиб билиш мумкинки, Темур давлатида суд ишлари қозилар томонидан амалга оширилиб, суд ҳокимияти учга бўлинган: *шариат қозиси, аҳдос қозиси* (ҳуқуқ асосида иш кўрувчи судья) ва *маъмурий судлар*. Темур давлатида давлат бошқарувида *Вазир девони, Девони муставфий, Девони ёрғу, Қози девони* каби кичик бўлинишлар ҳам амалда бўлган. Шунингдек, манбада *вақф, мутавалли, муфти, муҳтасиб, фатво, муний, амир ул-умаро, тиюл, садрлар садри, ярғу* каби юридик терминлардан кенг фойдаланилган [Темур тузуклари, 2018; 184].

XV асрнинг буюк сиймоси, шоир ва мутафаккир Низомиддин Мир Алишер Навоий асарларида ҳам ўша даврга хос юридик терминлардан кенг фойдаланилганига гувоҳ бўламиз. “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг “Қузот зикрида” деб номланган ўн иккинчи фаслида қозилар шундай тасвирланган: **“Қози Ислоҳ биносига арқондур (давлат таянчи) ва мусулмонлар хайр ва шаррига (яхшилик ва ёмонлик) нофизи фармондур (ҳукми ўтувчи, ҳукмрон).** Улуми диниядин кўнгли мулки маъмур керак ва Яқиний фаросатдин хотири **жамъияти** бефутур. Майли шахсий замири кишваридин мутаворий ва мудоҳана таррори мулояматидин соф кўнгли орий. **Маҳкамаси** маҳзани улуму шаръия ва **ҳукм** қилурида ошною бегона анга **алассавия (тенг). Қозий** керакким, жодаи шаръдин қадам чиқармағай ва сироти мустақимдин таишқари бормағай. Мустақим хат ҳар қаёнким, майл қилди эгри бўлди. Соз торидекким, эътидолдин **тажовуз қилди**, Тузуки бузулди. Улки **ҳукми** эл **моли** ва жонига жорий бўлғай, керакким, даъби муқмир шиори бўлғай”.

Қитъа:

*Мухбири содиқ шахеким қилди дину шаръни,
Бори адён носеҳи андоққи, мумкин эрди туз.*

Козиб ул йўлни нечук тузгайки, бир каззоб ҳам,

Қилди қўп даъво, вале қўйди жаҳаннам сори юз [Маҳбуб ул-қулуб, 10].

XVI аср – XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврлар ўз ичига Шайбонийлар, Аштархонийлар давлати ҳамда ўзбек хонликларининг ўзига хос ҳуқуқий жиҳатларини қамраб олади ва бу давр ҳақида маълумот берувчи асосий ҳуқуқий манба “Мажмаъ ал-арқам” ҳисобланади. Мазкур манба XVIII асрда ёзилган ва унда хонликлардаги (асосан “Бухоро” хонлиги) мулк эғалиги шакллари, бошқарув органлари ва девонлар ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. Манбада *буюк девон, давлат хазинаси девони, саркор девони, таноб девони, маҳрамлар девони, даводжиҳа (харажатлар) девони* каби девон номлари, *шайхулислом, муфти, аълам, муҳтасиб, додхоҳ, ҳарам огаси, амир ҳарам* каби суд ва судловликка оид юридик терминларни учратишимиз мумкин [Муқимов З., 2003; 229-232].

Дарҳақиқат, ўзбек юридик тили ривожининг янги даври Чор Россиянинг истилоси ва мустамлакачилиги тизимининг ўрнатилиши билан характерланади. Натижада, рус қонунчилиги ва рус тили ўзбек юридик дискурсига ўз таъсирини кўрсата бошлади. Бир неча тарихга оид китоблар муаллифи З.Муқимовнинг таъкидлашича, “бу даврда ҳуқуқ манбалари асосан икки қисмга, яъни шариат ҳуқуқи ва империя ҳуқуқига бўлинган. Ўз навбатида империя ҳуқуқи ҳам икки қисмдан – умумимперия қонунлари ва мустамлакачилик ҳуқуқларидан иборат бўлган”. Шунга кўра, Туркистонда бу даврга келиб, ўрта асрларга хос бўлган оғир тан жазолари таъқиқланган ва қозилар ҳам фақат рус қонунларида назарда тутилган жазоларни қўллашган. 1886 йили тузилган подшолик томонидан тасдиқланган Низомга кўра, икки тизимли судлар қонунлаштирилган ва улар, асосан, рус фуқаролари ишларини кўрувчи – муроса, вилоят, ҳарбий-дала судлари, ҳукумат сенати ҳамда маҳаллий аҳоли учун тузилган хужжатларда халқ судлари номи билан аталувчи қози ва бий судларига бўлинган [Муқимов З., 2003; 250]. Шундай бўлса-да, Хива хонлигида мутлақ яккаҳокимлик сақлаб қолиниб, ўрта асрларга хос ҳуқуқий одатлар амалда бўлган. Мисол учун, *қушбеги, девонбеги, эшон раис, қўшин бошлиги, ясовулбоши* каби мансаб номлари ҳамда *қози, қози аскар, нақиб, Ҳайъат ул- фуқаҳо, Маҳкамаи шаръия, шайхулислом* каби суд ва судловга оид номлар қўлланилган.

Умуман олганда, бу даврда Туркистонда Империя қонунчилиги билан бирга Европа ҳуқуқининг банк-коммерция, вексел, кредит, тоғ-кончилик, хусусий соҳибкорлик ҳуқуқлари ҳам кенг тарқалган.

Ўзбек юридик дискурси таракқиёт даврининг энг янги даврида тилшунос олим Ш.Кўчимов таъкидлаганидек, давлатнинг ва олимларнинг эътибори асосан рус қонунларига қаратилган ва 1920-30-йиллари юридик тил ниҳоятда чуқур ўрганилган. Натижада, юридик тилга оид кўплаб мақолалар, рисоалар чоп этилган. 1960 йилга келиб юридик тилнинг ўрганилиши анча кучайган ва номзодлик ҳамда докторлик диссертациялари ёқланган. Шунингдек, 1990 йили “Қонунлар тили” номидаги рисола ҳам нашр этилиб, унда қонунчилик масалалари ҳақида фикр юритилган [Кўчимов Ш., 2013; 23-24]. Аммо, ўзбек

юридик тили ва услуби мазкур даврда ҳам етарлича ўрганилмади. Бунинг сабаби, собиқ иттифоқ даврда рус тилининг устунлиги ва ҳукуматда ҳам русча қонунлар асосида иш қўрилганлигидир. Шу боис, кўплаб қонун ҳужжатларида русча сўз-терминлар фаол ишлатилган. Масалан, *орган, союз, гражданин, иштраф, протокол, эксперт, справочник, секретарь, устав, судья, заседатель* ва бошқалар.

Ниҳоят, 1989-1993-йиллар оралиғида русча (европача) атамаларни ўзбекчаштириш жараёни бошланди. Лекин, бу жараёнда бир қанча ғализликка йўл қўйилди. Ўзбек ва рус тиллари бошқа тил оилаларига мансуб бўлганилиги сабабли улар ўртасидаги фарқ катта ва ушбу тиллар ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бирок, бу даврда бундай хусусиятлар ва қонунлардаги қисқалик, аниқлик ва соддалик каби жиҳатлар эътиборга олинмаган [Кўчимов Ш., 2004; 154-155]. Шунинг учун, мустақиллик шарофати билан ўзбек юридик тили ва қонунчилик услубига эътибор кучайди, олимларимиз томонидан ўзлашган ҳукукий терминларнинг муқобилини танлаш ва қонун ҳужжатларида қатъийлик, аниқлик, қисқалик, мантикий изчиллик каби жиҳатларни инобатга олган ҳолда қонун ҳужжатлари ва лойиҳалари тайёрлаш бошланди. Истиклол даврида бош қомусимиз – Конституция ҳам юридик тилнинг барча талабларга риоя этган ҳолда ўзбек тилида аниқ, қисқа ва равон тузилди. Айни пайтда, мустақилликдан сўнг ўзбек юридик тилининг барча имкониятларини кўрсатиш мақсадида ҳукуқшунос ва тилшунослар юридик тил, юридик терминология, қонун тили ва услуби масалалари бўйича муайян ишларни амалга оширдилар. Жумладан, А.Саидов ва Г.Сарқисянцнинг “Юридик тил ва ҳукуқшунос нутқи” номли рисоласи, Ғ.Абдумажидов ва А.Саидовнинг “Қонун ва давлат тили: муаммолар ва ечимлар”, Б.Мамедовнинг “Ўзбек юридик тилининг долзарб муаммолари” каби мақолалари шулар жумласидандир.

ХУЛОСА

Тадқиқотимиз натижасида қуйидаги хулосаларга келдик.

Биринчидан, тил ва қонун ўртасидаги муносабатлар юрислингвистика ёки forensic linguistics доирасида ўрганилиб, бу соҳанинг асосий мақсади юридик тилнинг барча лингвистик ҳамда экстралингвистик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Иккинчидан, дискурс атамаси лингвистик термин сифатида қўллангунига қадар, асосан, фалсафий ва мантикий термин хусусиятига эга бўлган ва кейинчалик тилшунос олимлар томонидан изоҳланган. Шундай бўлса-да, ҳанузга қадар аниқ бир таърифга эга бўлмаган ушбу атама, бизнингча, экстралингвистик омиллар устун бўлган кечаётган нутк, жараён ёки муҳитдир.

Учинчидан, тилшуносликда дискурс типологияси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, сўзлашув ва институционал дискурс турлари ўзига хос хусусиятларига (йўналиш, нуткий чекловлар, коммуникатив ролларнинг ўзгариши, таркибий тузилиш даражаси, тўғридан-тўғри матнга боғлиқлик даражаси ва мақсадларнинг сонига) кўра бир-биридан фарқ қилади. Чунончи, сўзлашув дискурси кўпроқ

кундалик мулоқотни ўзида акс эттирса, институционал дискурс бир-бирини таниш-танмаслигидан қатъи назар, муайян жамият меъёрларига мувофик мулоқотни амалга оширадиган одамлар ўртасидаги муносабатнинг махсус кўринишидир ва бу муносабат асосан институт вакили (агент) ва миждоз ўртасида юзага келади.

Тўртинчидан, юридик дискурс, бу – барча юридик тузилмалар, улар доирасида қўлланиладиган ҳам оғзаки, ҳам ёзма юридик матнлар ва уларнинг ўзига хос махсус профессионал терминларидан иборат бўлган, шунингдек, юридик тил ва юридик нутқнинг барча қоида ва меъёрларига бўйсунувчи институционал дискурс туридир.

Бешинчидан, инглиз юридик дискурси ҳозирги даврга қадар турли қабиалар босқини ва тиллар, асосан, қадимги инглиз, скандинавия, лотин ва француз тиллари таъсирида шаклланган. Шунга кўра, кўпийлик изланишлар натижасида инглиз юридик дискурсининг ўрганилиши учта босқичга бўлинган ва улар бир-биридан кескин фарқ қилади.

Олтинчидан, ўзбек юридик дискурси ва юридик тилининг ўрганилиши ҳам узоқ тарихига бориб такалади ва ушбу даврий тараққиёт мобайнида ўзбек юридик тили қадимги туркий тил, араб, рус ва бошқа тиллар таъсирида ривожланди. Шу боис, бугунги кунда ҳам қонун ҳужжатлари, лойиҳалари ва ҳуқуқшунослар нутқида ўзлашма сўзлар фаол қўлланилади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Baker, J.H. (2019). *An introduction to English legal history*. Oxford, United Kingdom: Oxford University Press.
2. Balamakova, A. (2010). Kommunikativno-pragmatischekaja interpretacija intonacii voprositel'nogo vyskazyvaniya v ustnom juridicheskom diskurse (na materiale amerikanskogo varianta anglijskogo jazyka). *Diss. kand. fil. nauk*. Ivonovo.
3. Barabash, O. (2014). Jurislingvistika: istoki, problemy, perspektivy. *Vestnik Penzenskogo gosudarstvennogo universiteta*, 2(6), 14-18.
4. Bernstein, B. (1964). Elaborated and restricted codes: Their social origins and some consequences. *American Anthropologist*, 66(6), 55-69.
5. Bowern, C. (2015). *Where did English come from?* [Video]. <https://www.youtube.com/watch?v=YEaSxhcns7Y>
6. Chernjavskaja, V. (2013). *Lingvistika teksta. Lingvistika diskursa*. Moskva: Nauka.
7. *Devonu lug'atit-turk*. (1967). Toshkent: Fan NMIU.
8. Dijk, V. (2019). *Macrostructures: An Interdisciplinary study of global structures in discourse, interaction, and cognition*. Routledge.
9. Goodrich, P. (1992). *Legal discourse: studies in linguistics, rhetoric and legal analysis*. London: Macmillan.
10. G'ulomova, G. (2004). O'zbek yuridik terminologiyasining istiqloq davri taraqqiyoti. *Fil. fan. nomz. dis*. Toshkent.
11. Haigh, R. (2011, January 17). Forum Legal: The Origins of Legal English. <http://forum-legal.blogspot.com/2011/01/origins-of-legal-english.html>
12. Halliday, M., & Hasan, R. (1985/1989). *Language, context and text: Aspects of language in a social-semiotic perspective*. Oxford: Oxford University Press.
13. Harris, Z. Discourse and sublanguage. *Sublanguage*. <https://doi.org/10.1515/9783110844818-012>

14. Harris, Z.S. (1952). Discourse analysis. *Language*, 28(1), 1. <https://doi.org/10.2307/409987>
15. Karasik, V. (2000). *O tipah diskursa. Jazykovaja lichnost': institucional'nyj i personal'nyj diskurs*. Volgograd: Peremena.
16. Kess, J.F. (1986). Discourse Analysis: The Sociolinguistic analysis of natural language. *Canadian Journal of Linguistics*, 31(1), 98–102. Chicago: University of Chicago Press. <https://doi.org/10.1017/s0008413100011506>
17. Ko'chimov, Sh. (2013). *Yuridik til nazariyasi va amaliyoti*. Toshkent.
18. Konovalova, M. (2019). Global'nye kategorii kogerentnosti i intertekstual'nosti v juridicheskom diskurse. *Diss. kand. fil. nauk*. Cheljabinsk.
19. Kosonogova, O. (2008). Juridicheskij diskurs: lingvopragmatika imeni sobstvennogo. *Problemy filologii, kul'turologii i iskusstvovedenija*, 2, 188–192.
20. Makarov, M. (2003). *Osnovy teorii diskursa*. Moskva: ITDGK Gnozis.
21. Mellinkoff, D. (2004). *The language of the law*. Wipf & Stock Publishers
22. Mirhamidov, M., Norpo'latov, N., Hamidov, S. (2005). *Yuristning nutq madaniyati*. Toshkent: Fan va texnologiyalar.
23. Muhamedov, X., Husanov, O., & Muhamedov, B. (2008). *O'zbekiston davlati va huquqi tarixi*. Toshkent: “Tasvir” nashriyot uyi.
24. Muqimov, Z. (2003). *O'zbekiston davlati va huquqi tarixi*. Toshkent: Adolat.
25. Odilqoriyev, H., Azizov, N., & Madrimov, X. (2012). *Davlat va Huquq tarixi*. Toshkent: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi.
26. Palashevskaja, I. (2010). Funkcii juridicheskogo diskursa i dejstvija ego uchastnikov. *Izvestija Samarskogo nauchnogo centra Rossijskoj akademii nauk*, 5(2), 535–539.
27. Peter, M.T. (2000). *Legal language*. Chicago: University Of Chicago Press.
28. Peter, M.T. (2010). *Parchment, paper, pixels: law and the technologies of communication*. Chicago: The University Of Chicago Press.
29. Pollock, F., Frederic W.M., & Milsom, S.F.C. (1989). *The history of English law before the time of Edward I*. London: Cambridge University Press.
30. Safarov, Sh. (2006). *Kognitiv tilshunoslik*. Jizzax: “Sangzor” nashriyoti.
31. Saidov, A. (1994). *Burhoniddin Marg'inoniy. “Al-Hidoya”-muhim huquqiy yodgorlik. O'zbekiston ovozi*”.
32. Saidov, A. (1997). *Yuridik til xususiyatlari. Qonun va til*. Toshkent.
33. Saidov, A., Sarkisyants, G. (1994). *Yuridik til va huquqshunos nutqi*. Toshkent: Adolat.
34. Schneiderová, A. (2018). Historical background to English legal language. *Journal of Modern Science*, 37(2), 117–126. <https://doi.org/10.13166/jms/92522>
35. Sir Walter Scott. (1965). *Ivanhoe: a romance*. New York: Harper and Row.
36. Temur, A. (2018). *Temur tuzuklari*. Toshkent: Yoshlar nashriyot uyi.
37. Tursunova, O. (2007). O'zbek davlatchiligi tarixida qo'llanilgan huquqiy terminlarning lisoniy tadqiqi. *Filol. fan. nomz. dis*. Toshkent.
38. Uskova, T. (2008). Kognitivno-diskursivnye osobennosti anglojazychnoj juridicheskoy terminologii. *Dis. kand. filol. nauk*. Moskva.
39. Usmonov, Sh., Ziyamuxamedova, Sh. (2018). *Yurist nutqi amaliyoti*. Toshkent davlat yuridik universiteti.
40. Verhovskij, P. (1931). *Pis'mennaja delovaja rech'*. Moskva.
41. <https://context.reverso.net/>
42. <https://dictionary.law.com/>
43. <https://www.investopedia.com/>
44. <https://www.linslawgroup.com/>

REFERENCES

1. Adilgariyev, H., Azizov, N., & Madrimov, Kh. (2012). *History of state and law*. Tashkent: Academy of the Republic of Uzbekistan.
2. Baker, J.H. (2019). *An introduction to English legal history*. Oxford, United Kingdom: Oxford University Press.
3. Balamakova, A. (2010). Communicative and pragmatic interpretation of the intonation of an interrogative utterance in oral legal discourse (based on the material of the American version of the English language). *Diss. can. of Phil. sciences*. Ivanovo.
4. Barabash, O. (2014). Legal linguistics: origins, problems, prospects. *Bulletin of the Penza State University*, 2 (6), 14-18.
5. Bernstein, B. (1964). Elaborated and restricted codes: Their social origins and some consequences. *American Anthropologist*, 66(6), 55-69.
6. Bower, C. (2015). *Where did English come from?* [Video]. <https://www.youtube.com/watch?v=YEaSxhcns7Y>
7. Chernyavskaya, V. (2013). *Linguistics of the text. Linguistics of discourse*. Moscow: Science.
8. *Devan of Turkish Dictionary*. (1967). Tashkent: 'Fan' Publishing House.
9. Dijk, V. (2019). *Macrostructures: An Interdisciplinary study of global structures in discourse, interaction, and cognition*. Routledge.
10. Goodrich, P. (1992). *Legal discourse: studies in linguistics, rhetoric and legal analysis*. London: Macmillan.
11. Gulomova, G. (2004). Development of Uzbek legal terminology in the period of independence. *Diss. can. of Phil. sci*. Tashkent.
12. Haigh, R. (2011, January 17). Forum Legal: The Origins of Legal English. <http://forum-legal.blogspot.com/2011/01/origins-of-legal-english.html>
13. Halliday, M., & Hasan, R. (1885/1989). *Language, context and text: Aspects of language in a social-semiotic perspective*. Oxford: Oxford University Press.
14. Harris, Z. Discourse and Sublanguage. *Sublanguage*. <https://doi.org/10.1515/9783110844818-012>
15. Harris, Z.S. (1952). Discourse Analysis. *Language*, 28(1), 1. <https://doi.org/10.2307/409987>
16. Karasik, V. (2000). *About the types of discourse. Linguistic personality: institutional and personal discourse: Collection of scientific tr.* Volgograd: Peremena.
17. Kess, J.F. (1986). Discourse Analysis: The Sociolinguistic analysis of natural language. *Canadian Journal of Linguistics*, 31(1), 98-102. Chicago: University of Chicago Press. <https://doi.org/10.1017/s0008413100011506>
18. Konovalova, M. (2019). Global categories of coherence and intertextuality in legal discourse. *Diss. can. of Phil. sci*. Chelyabinsk.
19. Kosonogova, O. (2008). Legal discourse: linguopragmatics of the proper name. *Problems of Philology, Cultural Studies and Art Criticism*, 2, 188-192.
20. Kuchimov, Sh. (2013). *Theory and practice of legal language*. Tashkent.
21. Makarov, M. (2003). *Fundamentals of the theory of discourse*. Moscow: ITDGK 'Gnozis'.
22. Mellinkoff, D. (2004). *The language of the law*. Wipf & Stock Publishers
23. Mirhamidov, M., Norpulatov, N., & Hamidov, S. (2005). *The culture of speech of a lawyer*. Tashkent: Science and Technology.
24. Muhamedov, Kh., Husanov, A., & Muhamedov, B. (2008). *History of the state and law of Uzbekistan*. Tashkent: 'Tasvir' Publishing House.
25. Mukimov, Z. (2003). *History of the state and law of Uzbekistan*. Tashkent: Adolat.
26. Palashevskaya, I. (2010). The functions of the legal discourse and the actions of its participants. *Proceedings of the Samara Scientific Center of the Russian Academy of Sciences*, 5(2), 535-539.
27. Peter, M.T. (2000). *Legal language*. Chicago: University Of Chicago Press.
28. Peter, M.T. (2010). *Parchment, paper, pixels: law and the technologies of communication*.

- Chicago: The University Of Chicago Press.
29. Pollock, F., Frederic W.M., & Milsom, S.F.C. (1989). *The history of English law before the time of Edward I*. London: Cambridge University Press.
 30. Safarov, Sh. (2006). *Cognitive linguistics*. Jizzakh: 'Sangzor' Publishing House.
 31. Saidov, A. (1994). *Burhoniddin Marginani. "Al-Hidoya" is an important legal monument, The Voice of Uzbekistan*".
 32. Saidov, A. (1997). Legal language features. *Law and Language*. Tashkent.
 33. Saidov, A., & Sargsyants, G. (1994). *Legal language and speech of a lawyer*. Tashkent: Adolat.
 34. Schneiderová, A. (2018). Historical background to English legal language. *Journal of Modern Science*, 37(2), 117–126. <https://doi.org/10.13166/jms/92522>
 35. Sir Walter Scott. (1965). *Ivanhoe: a romance*. New York: Harper and Row.
 36. Temur, A. (2018). *Malfuzat-i Timuri*. Tashkent: 'Yoshlar' Publishing House.
 37. Tursunova, O. (2007). Linguistic research of legal terms used in the history of Uzbek statehood. *Diss. can. of Phil. sci*. Tashkent.
 38. Uskova, T. (2008). Cognitive-discursive features of English legal terminology. *Dis. can. of Phil. sci*. Moscow.
 39. Usmonov, Sh., & Ziyamukhamedova, Sh. (2018). *Lawyer speech practice*. Tashkent State University of Law.
 40. Verkhovsky, P. (1931). *Written business speech*. Moscow.
 41. <https://context.reverso.net/>
 42. <https://www.linslawgroup.com/>
 43. <https://www.investopedia.com/>
 44. <https://dictionary.law.com/>